

УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР
САРОЙИДАГИ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 253 (19.924).

• 1987 йил 3 ноябрь, сешанба •

Баҳоси 4 тийин.

Биз 1917 йилнинг Октябрида эски дунёни тарк этиб, уни
узил-кесил рағ қилган эдик. Биз янги дунё — коммунизм дунёси
сари бормоқдамиз. Бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз!



МОСКВА. КРЕМЛЬ. 1987 йил 2 ноябрь. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси. ТАСС-УзТАГ телефотоси.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Москва, Кремль. Съездлар саройи. Бу ерда
1987 йил 2 ноябрь кунин эрталаб соат 10 да
КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети
ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь
социалистик революциясининг 70 йиллигига бағиш-
ланган қўшма тантанали мажлиси байрам кўта-
ринчилиги ва ишчанлиги вазиётида очилди.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комите-
тининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъ-
золигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия
комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР
Олий Советларининг депутатлари, Совет Итти-
фоқи Коммунистик партиясининг ветеранлари,
Октябрь революцияси қатнашчилари, социалис-
тик Ватанимиз жанговар ва меҳнат галабалари-
нинг қаҳрамонлари, Совет Армияси ва Флот
жангчилари, фан ва маданият арбоблари, танқил
жамоат арбоблари иштирок этмоқдалар.

Мажлисда социалистик мамлакатларининг пар-

тия-давлат ва партия-хукумат делегациялари,
коммунистик ва ишчи партияларининг, револю-
цион-демократик, миллий демократик партия-
ларининг, озодлик ҳаракатларининг делегацияла-
ри, социал-демократия вакиллари, бир қанча дав-
латлар президентлари ва хукумат бошлиқлари,
атокли чет эл жамоат арбоблари, дипломатия
корпуси, матбуот вакиллари ҳозир бўлишди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР
Олий Совети Сийбис бюросининг
Ранси ўртоқ А. А. Громико кириш нутқи билан
мажлисини очди.

Совет Иттифоқи Гимн улуғвор садолари ян-
райди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари
ўртоқ М. С. Горбачев «Октябрь» ва қайта қуриш:
революция давом этмоқда» мавзусида доклад
қилади.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчилари ва

Мажлис аҳли партия ветерани, Граждан ва
Улуғ Ватан урушлари қатнашчилари ўртоқ К. П.
Синозерскийнинг сиймий кутуб олади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, РСФСР
Олий Советининг депутаты, «Ленинград металл
заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси йиғуви
спесарлари бригадир, икки марта Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ В. С. Чичеров сўзга
чиқади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР
Олий Совети депутаты, СССР Фанлар академия-
си президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
ўртоқ Г. И. Марчук тантанали мажлис қатнашчи-
ларига совет олимлари номидан мурожаат қи-
лади.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчилари сиймий

Мажлис қатнашчилари Германия Бирлашган
социалистик партияси Марказий Комитетининг
Бош секретари, Германия Демократик Республи-
каси Давлат Кенгашининг Ранси ўртоқ Эрих
Хонеккер нутқини сиймий кутуб олади.

Ҳозир бўлганлар томонидан қизғин кутуб
олинган Чехослования Коммунистик партияси
Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехос-
лования Социалистик Республикасининг Прези-
денти ўртоқ Густав Гусак табрик нутқи сўзлай-
ди.

Мажлис аҳли Финляндия Республикасининг
Президенти Мауно Койвисто нутқини сиймий
қаршлайди.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Коми-
тети Сийбис бюросининг аъзоси, СССР Министр-
лар Советининг Ранси ўртоқ Н. И. Рижков рансик-
лик қилади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, «Красно-
донуголь» ишлаб чиқариш бirlашмаси «Моло-
догвардеецка» шхтаси комплекс бригадаси-
нинг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
ўртоқ А. Я. Колесников сўзга чиқади.

Сўнгра СССР Олий Советининг депутаты,
Стучин районидagi Пивнякис ўрта мактабининг
директори, Латвия ССРда хизмат кўрсатган йи-
тувчи ўртоқ Э. Я. Купча сўз олади.

Мажлис аҳли сиймий кутуб олган Болгария
Коммунистик партияси Марказий Комитетининг
Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси

Давлат Кенгашининг Ранси ўртоқ Тодор Живков
мажлис қатнашчиларига табрик сўзларини айта-
ди.

Мажлис қатнашчилари Франция Коммунистик
партияси Бош секретари ўртоқ Жорж Марше
нутқини сиймий кутуб олади.

Ранслик қилувчи совет ёшлари ва пионерлари-
нинг вакиллари тантанали мажлис қатнашчилари-
ни табриклаш учун келганликларини эълон қи-
лади.

Зағла байроқлар: Октябрь революциясининг
муддас ёдгорлиги — афсонавий «Аврора» крей-
серининг байроғи, Бутуниттифоқ Ленинчи Ко-
мунистик Ёшлар Союз байроғи, В. И. Ленин но-
мидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилот бай-
роғи, РКП(б) ва КПСС Марказий Комитетининг
Эсдалик байроқлари олиб кирилади.

Зағла «Интернационал» садолари остида пио-
нерлар, йиғит ва қизлар саф тортиб кириб келади.
Мажлис аҳли уларни табриклар ва қарсақлар би-
лан кутуб олади.

Москвалик ишчи, ВЛКСМ Марказий Комитети-
нинг аъзоси Николай Прохоров совет ёшлари
номидан тантанали мажлис қатнашчиларини таб-
риқлайди.

Пионерлар тантанали мажлис президиуми аъ-
золарига гуллар тақдим этилади. Зағла танта-
нали мажлис қатнашчиларининг қарсақлари ости-
да «Ленин, партия, комсомол!» сўзлари янграй-
ди.

ОКТЯБРЬ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ: РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ
СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Азиз ўртоқлар!
Мухтарам чет эллик меҳмонлар!

1917 йил Октябрининг унутилмас кунларидан буён ора-
дан етмиш йил ўтди. Бу йилнинг тараққийининг,
чинакам инсоний тарихнинг янги даврини бошлаб берган
афсонавий кунлар бўлган эди. Октябрь — инсониятнинг
ҳақиқатан ҳам юксак чўққиси, унинг тоғотлар лаҳзасидир.
Октябрь революцияси — халқнинг революцияси ва халқ
учун, инсон учун, уни озод қилиш ва камол топтириш учун
қилинган революциядир.

Етмиш йил — жаҳон цивилизациясининг кўп асрлик юк-
салишида унчалик катта давр бўлмаса ҳам, аммо қилинган
ишларнинг миқёслари жиҳатидан мамлакатимиз Улуғ Ок-
тябрь галабасидан кейин босиб ўтган каби давр тарихда ҳа-
ли бўлмаган эди. Модомки шундай экан, кашшофларнинг
йўлидан боришдан ҳам, бутун куч, гайрат, билим, қobili-
ятни Октябрь гоёлари ва мақсадлари тантанаси йўлида сарф-
лашдан қўра ҳам олий шараф йўқи!

Юбилей — фахрлиқ мавридидир. Қилинган ишлардан
фахрлиқ мавридидир. Бизнинг зиммамизга жуда оғир си-
новлар тушди. Биз бу синовларга шараф билан бардош бер-
дик. Шунчаки бардош берибгина қолмадик. Мамлакатни вай-
ронагарчилик ва қолоқдан чиқариб олдик, уни қудратли
давлатга айлантирдик, турмушни қайта қурдик, инсоннинг
маънавий дунёсини таниб бўлмайдиган даражада ўзгарти-
риб юбордик. XX асрда мисли кўрилмаган бениҳоя шиддатли
олишувларда ўз турмуш тарзини бугун ҳуқуқни қаттиқ
туғиб сақлаб қолдик, ўз келажакимизни ҳимоя қилдик. Биз-
нинг революциямиз, меҳнатимиз ва қурашимиз жаҳон та-
раққийининг ҳамма соҳаларига — сийбат ва экономикага,
социал соҳага ва замондошларнинг онсига жуда чуқур таъ-

сир ўтказиб келатгани учун ҳам тўла асос билан фахр-
ланамиз.

Юбилей — хотира мавридидир. Ҳар бири муштарак со-
циалистик галабаларимизга ҳисса қўшган миллион-миллион
кишиларни эсга оламиз. Пулат қўйган, галла эккан, бола-
ларга таълим берган, фан ва техникани олга силжитган,
сайфат чўққиларини забт этган кишиларни хотирлаймиз.
Ватанини ҳимоя қилиш йўлидаги жангда ҳалок бўлган, жони-
дан кечиб жамиятнинг олга боришига имконият яратган ки-
шиларни қайғу билан эсга оламиз. Бошдан кечирилган кун-
лар, босиб ўтилган йўлларнинг хотираларини ўчмайдиған он-
ларини эслаймиз, чунки бугунги кунимиз мана шуларнинг
шарофатидир.

Юбилей — фикрлаш мавридидир. Баъзан ишларимиз ва
таъдиримиз мураккаб, чигал бўлганлиги ҳақида фикр юри-
тамыз. Ҳар қандай ишлар — ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиа-
она ишлар, буюк зафарлар ва ачиқ муваффақиятсиз-
ликлар бўлди. Биз қизғин яратувчиликнинг етмиш
йил ҳақида турмушнинг революцион ўзгариш учун ўзин-
нинг бутун кучини, социализмнинг бутун буюк қудратини
сафарбар этишга тайёр бўлиб турган халқ позицияларида
туриб фикр юритамыз.

Юбилей — келажакка назар ташлаш мавриди ҳамдир. Биз
улкан, салмоқли ва зўр аҳамиятли ютуқларга эришдик. Бу
ютуқлар янги зафарлар учун, жамиятни янада ривожланти-
риш учун мустақкам пойдевор, негиздир. Айни социализмни
ривожлантириш, ленинизм билан Октябрь гоёлари ва
практикасини давом эттиришни биз бугунги ишларимиз ва
режаларимизнинг моҳияти деб, энг биринчи вазифамиз ва
маънавий мажбуриятимиз деб биламиз. Бу эса Октябрнинг,
Октябрдан кейин етмиш йил мобайнида қилинган ҳамма иш-
ларнинг тарихий аҳамиятини жиддий ва обдон таҳлил қи-
лиш зарурати тақозо этади.

шнинг сўзатлари ва миқёсларини ҳам; революцион бўрон-
лар даврларида алоҳида роль ўйнайдиган субъектив омил-
ларни ҳам; революцион даврнинг келажак ҳақидаги катта
талаблари руҳи билан сугорилган ва кўпинча жўн, содда та-
савуруларни ҳам; янги турмуш учун курашчиларнинг ҳамма
инини ямкон борица тезроқ, яхшироқ, адолатлироқ қилишига
беёба, сийдиқид ийтилишини ҳам назарда тутиламиз.

Босиб ўтилган йўл — унинг қаҳрамонлиги ва мушкулли-
ги замондошларни тўқиндантирмай қола олмайд. Бизнинг
тарихимиз битта, у — муқарраб. У қандай ҳис-туйғуларни
юзага келтирмиз, у бизнинг тарихимиз, у биз учун азиз.
Бутун биз дунёни ларзага солган Октябрь кунларига назар
ташлаймиз, у кунлардан метни маънавий таъин ҳам, ибрат-
ли сабоқлар ҳам излаймиз ва топамиз. Октябрь танлаб ол-
ган социалистик йўлнинг тўричилигига қайта-қайта ишонч
ҳосил қиламиз.

Инсоният тарихий тараққийи объектив мантиқининг ўзи
бизни шу маррага олиб келди. Цивилизация олга ҳарака-
тининг йўллари нақадар зиддиятлар ва хилма-хил бўлмасин,
Октябрь революцияси меҳнатқашларнинг озодлик ва тинч-
лик учун, социал адолат учун, сийфий, миллий ва маънавий
зулмга қарши кўп асрлик кураши гоёлари ва практикаси
ривожининг қонуний натижаси бўлди.

1917 йил социализмни ёки капитализмни танлаб олиш
давримизнинг асосий бирдан-бир тўғри социал йўли эканини,
XX асрда социал таъкилотнинг юксакроқ формаси — со-
циализм сари бормай туриб олга силжиш мумкин эмаслиги-
ни кўрсатди. Лениннинг мана шу тағ-заимли хулосаси ҳозир
шу хулоса чиқарилган пайдагидек муҳим бўлиб турибди.

Шитобли иктимой тараққийининг қонунийати мана шундай.
Россидаги революция ўтмишининг буюк гуманизмларидан
тортиб то XIX ва XX асрларнинг пролетар революционер-
ларигача бўлган инсоният энг заковатли кишилари озодлик
муддосларининг чўққиси, оруз-умидларининг жонли муҷас-
маси бўлди.

1917 йил тарихимизга ҳос эркин ривожланиш ва муста-
қиллик учун халқ курашининг, илгор миллий ҳаракатлар-
нинг, креспостойликка қарши деҳқонлар кўзғолонлари ва
урушларнинг қудратини ўзига сингирди. У XVIII аср
матрифатпарварларининг, декабристлар ҳаракати қаҳ-
рамонлари ва жафокашларининг, революцион демократия
оташин нотикларининг маънавий изланишларини, мадания-

тимиз буюк арбобларининг маънавий фидойилигини ўзида
муҷассамлаштирди.

XX аср тонгида Владимир Ильич Ленин маҳкам жипс-
лашган маслакдошлар группасини Россияда янги тилдаги
пролетар партиясини тузиш йўлидан ўзига эргаштириб борган
вақт мамлакатимиз тақдир учун ҳал қилувчи аҳамия-
тта эга бўлди. Лениннинг айни шу улуғ партияси халқни
унинг энг яхши, софиди кучларини эски дунёга қарши ҳу-
жум бошлашга олтантирди.

1905—1907 йиллардаги биринчи Россия революцияси
Октябрнинг муваффақияти пойдеворида тамад тошини қўй-
ди. Тўққизинчи январнинг ачиқ сабоқлари ҳам, Москвада-
ги денабар баррикадаларининг фидокорона қаҳрамонлиги
ҳам, озодлик йўлидаги минг-минглаб номлари маълум ва но-
маълум курашчиларнинг жасорати ҳам, Совет ҳокимияти-
нинг тиймоси — дастлабки киши Советларининг вужудга ке-
лиши ҳам шулар жумласига кирди.

Улуғ Октябрнинг галабаси империализм даврининг бирин-
чи музаффар халқ революцияси бўлган 1917 йил Февраль
революциясининг галабаларидан ҳам келиб чиқди. Ленин
таъкидлаганидек, Февраль галабасидан кейин «Революция
мисли кўрилмаган даражада тез ривожланиб кетди».
Совет шийелини кийган ишчилар билан деҳқонлар бу
революциянинг асосий қатнашчилари бўлилар. 1917 йил-
нинг баҳори умумхалқ ҳаракатининг қудратини кўрсатди.
Айни вақтда унинг чекланганлиги, шу босиқда революцион
онгининг зиддиятчилиги, тарихий инерциянинг кучи ҳам на-
моён бўлди, мана шуларнинг натижасида умри тугаб бора-
ётган эксплуататор синфлар халқ галабасининг самарала-
ридан вақтинча фойдаланиб қолшига муваффақ бўлилар.

Февраль революцияси Октябрь қўлига асосий қуролни —
қайта тикланган Советлар сиймосидagi ҳокимият таъкилоти-
ни берди. Февраль реал демократизмининг, омман ама-
лда сийсий тарбияланган қўш ҳокимиятчиллик гоит мурак-
каб шароитларида ортирилган илк таърибасидир. Февраль
ҳокимияти меҳнатқашлар қўлига тинч йўл билан ўтқа-
зиш имконияти жиҳатидан, афуски, тарихий вазиятлар охи-
батда воқелика айланмаган имконият жиҳатидан ҳам ноёб
воқеадир. Февраль Октябрь йўлидаги жуда муҳим тарихий
босқич бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

I. ОКТЯБРЬ ЙЎЛИ—КАШШОФЛАР ЙЎЛИ

Ўртоқлар! Биз кашшофларга ҳос жуда катта ва мурак-
каб йўлни босиб ўтдик. Бу йўлни қисқача таҳлил билан
қамраб олиб бўлмайди. Эски дунё моддий ва маънавий сар-
қитининг, биринчи жаҳон уруши ва граждандар уруши, интер-

венция оқибатларининг оғирлигини ҳам; ўзгаришларнинг
лигилигини, одамларнинг шу ўзгаришларга боғлаган умид-
ларини, кўпинча орқага назар ташлаш, йўлаб қуриш учун
вақт қолдирмайдиган одатдан ташқари янгилик кириб кели-

